

Умар розияллоҳу анҳунинг ҳижратлари



16:48 / 25.04.2024 3007

Мадинага ҳижрат қилиш бошланди. Мусулмонлар бирин-кетин ҳижрат қила бошладилар.

Ҳамма мушриклардан қўрқиб, яширинча ҳижрат қилди. Фақат бир киши, яъни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳугина ошкора ҳижрат қилдилар. У киши ҳижрат қилишга қарор қилганларидан сўнг кийимларини кийиб, қуролларини тақиб, бемалол Байтуллоҳни етти марта айланиб, тавоф қилдилар. Мақоми Иброҳимда икки ракъат намоз ўқидилар. Сўнг: «Ким онасини азодор, хотинини тул, боласини етим қолдирмоқчи бўлса, менга манави водийнинг ортида учрашсин. Мен ҳижрат қилмоқчиман!» дедилар.

Ҳеч ким чурқ эта олмади.

Умар розияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг Расули маслаҳат қиладиган, машарат сўрайдиган саҳобалардан эдилар. Баъзи вақтларда ҳазрати Умарнинг фикрларини қўллаб оятлар ҳам нозил бўлар эди. Масалан, Бадр урушидан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига асирларни нима қилиш кераклиги тўғрисида маслаҳат қилдилар. Умар розияллоҳу анҳу уларнинг барчасини ўлдиришни маслаҳат бердилар, Абу Бакр розияллоҳу анҳу улардан фидя олиш кераклигини айтдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг маслаҳатини олдилар. Шунда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг фикрларини қўллаб, Анфол сурасидаги бир оятни нозил қилди. Унда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам итоб қилинган эдилар.

«Набий учун ер юзида забардаст бўлмагунича асирлари бўлиши тўғри эмас эди. Сизлар дунёнинг ўткинчи нарчасини ирода қиласизлар. Аллоҳ эса охиратни ирода қиладир. Ва Аллоҳ азиздир, ҳақимдир» (67-оят).

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу хамрнинг ҳаром қилинишини орзу қилар эдилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда оят нозил қилганида, у киши хотиржам бўлдилар.

Шунингдек, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу аёллар масаласида, хусусан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари борасида ҳижобнинг фарз бўлишини истар эдилар. Ҳижоб ояти нозил бўлиб, у кишининг кўнгиллари таскин топди.

Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул вафот этганида, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга жаноза намози ўқишни ирода қилдилар, Умар розияллоҳу анҳу у зот билан тортишдилар, муноқаша қилдилар. Шундан кейин Аллоҳ таоло Умар розияллоҳу анҳунинг фикрларини қўллаб, Тавба сурасидаги куйидаги оятни нозил қилди:

«Ҳеч қачон улардан ўлган бирортасига ҳам (жаноза) намоз ўқима, қабри устида турма, чунки улар Аллоҳга ва Унинг расулига куфр келтирдилар ҳамда фосиқ ҳолларида ўлдилар» (84-оят).

Умар розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан барча ғазотларда иштирок этдилар. У киши барча жангларда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида турар, ҳеч ажрамас, у зотни мудофаа қилиб, ёмонликлардан, хавф-хатарлардан тўсар эдилар.

У киши ўзлари ижтиҳод қилмас, балки Аллоҳ ва Расулининг ҳар бир каломини ҳарфма-ҳарф бажарар эдилар. Умар розияллоҳу анҳу бу борада Абу Бакр розияллоҳу анҳудан кейинги иккинчи саҳоба ҳисобланар эдилар.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида Умар розияллоҳу анҳу у кишининг энг яқин маслаҳатчилари, давлат ишларини юритишда ўнг қўллари бўлдилар.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.